



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 7 март, № 46 (7276) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИШ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли сайёҳаракатлар рўйбга чиқарилмоқда. Аммо ушбу тизимни тараққий эттиришнинг қонуний асослари бугунги кун талабларига жавоб берадими. Шу боис "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, парламент қўйи палатасининг мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ишчи гуруҳи томонидан ушбу қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Ундаги хаволаки нормалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри амал қилувчи моддалар киритилди ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан муҳокама этилди.

даги фракцияси томонидан ўтказилган очик мулоқотда янги сифатида "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди. Фракция аъзолари қайд этганидек, ушбу ҳужжатда туризм фаолиятини такомиллаштириш тавминлайдиган туризм корхоналари — туризм операторлари, агентлик-лари, фирмалари, экскурсия ташкилотларининг туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи фақат лицензия асосида олиб борилиши белгилаб қўйилмоқда. Бу билан қонуний тартибда туризм

фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган юридик ёки жисмоний шахс мазкур лицензия асосида эркин равишда фаолият юритиши имконияти яратилади. Шу билан бирга, унда алоҳида боб сифатида туристик ҳудуд ва туристик кластерлар киритилган, янги нормаларда эса экскурсиячилар, гид, йўриқчи-йўлбошловчилар сертификати, туристик маҳсулотларни сотиш ва бошқалар келтирилган.



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Жаҳон божхона ташкилоти Бош қотиби Кунио Микурия бошчилигидаги делегация ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Шу муносабат билан 6 март куни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида делегация аъзолари билан учрашув ўтказилди. Давлат божхона қўмитаси раиси М. Азимов Президент Шавкат Мирзиёев томонидан хорижий давлатлар билан олиб борилаётган конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик божхона соҳасида ҳам жадал ифодасини топаётганини таъкидлади.

Учрашувда Жаҳон божхона ташкилотининг "Бизнес учун божхона" (Customs to Business) йўналишида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди. 200 га яқин давлатларни бириктирган мазкур нуфузли ташкилотга Ўзбекистон 1992 йил 28 июлда аъзо бўлган. Ўзбекистон Жаҳон божхона ташкилотининг божхона амалиёти билан боғлиқ 20 дан ортқ халқаро конвенцияларига қўшилган. Мамлакатимизда қатор давлатлар билан икки томонлама савдонинг ривожлантириш ва фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида Тожикистон Республикаси билан 10 та, Қозоғис-

ти Зангиота туманидаги "High Way Logistics Centre" замонавий транспорт логистика марказига ташриф буюрди. Марказда бир вақтнинг ўзида 300 та юк автомашинасини қабул қилиш имконияти ва божхона назорати остида товарларни сақлаш учун божхона омбори фаолияти йўлга қўйилган. "Арқ буюк" ташкилоти иқтисодий фаолият божхона пости ҳам мазкур логистика марказида иш бошлагани тadbиркорлар учун қўлайлик яратмоқда. Постада руҳсатнома берувчи турли идоралар, банк, логистика ва брокерлик ташкилотлари "бир дарча" таъминоти асосида иш юритаётгани, "фронт-офис"лар хизмати йўлга қўйилгани, юкларни сканер қилувчи замонавий рентген қурилмалари билан жиҳозлангани божхона назорати ва расмийлаштирувни қисқа муддатларда амалга ошириш имконини беради. Меҳмон марказда яратилган шароит ва имкониятларга юқори баҳо берди. Божхона институтида ташкил этилган тadbирда меҳмонлар мамлакатимизда соҳада кадрлар тайёрлашдаги илгор ёндашувлар, таълим жараёни билан танишди. Қўннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкент вилоя-



Инвестиция Саудиялик ишбилармон юртимизда фармацевтика корхонаси қуришни режалаштиряпти

Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда тўғридан-тўғри сармояларни республикамизнинг илгор соҳаларидаги лойиҳаларга жалб қилиш мақсадида Ар-Риёд шаҳридаги элчихонамиз Подшоҳликнинг бир қатор компаниялари вакилларининг юртимизга амалий ташрифларини доимий равишда уюштириб келяпти. Жумладан, фармацевтикага иxtисослаштирилган "Башир ал-Дава" компанияси раиси Мазен ал-Башир ҳамда ушбу компания кузатув кенгаши аъзоси шайх Мухаммад ал-Башир жорий йилнинг февраль ойида Хоразм вилоятида бўлди. Унинг якунлари бўйича "Дунё" ахборот агентлигига берган интервьюсида Мазен ал-Башир Ўзбекистоннинг инвестицион ҳозирдорлиги йил сайин охиб бораётганини алоҳида эътироф этди. — Хоразм вилояти бўйича ўтказилган тақдирот бизга ҳудуднинг инвестицион, савдо ва туризм салоҳияти



ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Вероника Скворцова бошчилигидаги делегация мамлакатимизга келди.

Ташриф доирасида 6 март куни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Шадмонов делегация аъзолари билан учрашди. Мулоқот чоғида тиббиёт, соҳада замонавий кадрлар тайёрлашдаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини такомиллаштиришга давлат сиёсати даражасида қаралади. Сунгги йилларда ушбу тизимда халқаро меъёрларни жорий этиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида тўб ўзгаришлар олиб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда россиялик ҳамкорлар фаол иштирок этмоқда. Бунда олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар муҳим ўрин тутди.



Янги қонунлар

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан ўзбошимчилик ва бепарволикка йўл қўйиб келинаётган. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари, асосан, ер майдонлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, ноконун қурилишларга нисбатан эгаллик ҳуқуқини бериш шаклида қайд этилмоқда. Ачинарлиси, бу каби ҳолатлар юзасидан бирор-бир шахснинг жавобгарлик масаласи ҳал этилмагандан қўлаётганидир. Яъни бунга ким айбдор, ким жавобгар экани қонуний белгиланмаган эди.

Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқдан асарикан ҳолатларда фермер хўжаликлари раҳбарлари фойдаланиб, фуқаролар билан тил бириктирган ҳолда ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаш сони ортган. Шу йил 4 март куни Президентимиз томонидан имзоланган "Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида"ги Қонун бу борадаги ишларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унга қўра, Жиноят кодексини ердан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар янада аниқ акс этган янги 197-модда билан тўлдирилди. Унда белгиланганидек, суғориладиган ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олишга йўл қўймайлик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи жавобгар ҳисобланади.



Муқаддас бурч

Ватанга садоқат ифодаси

Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартибининг такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилдан бошлаб, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган бўлди. Шунга қўра, айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тантанали маросимлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ташкил этилган шундай тadbирда шаҳар ҳокимлиги, жамо-



Алио Абдулпайев (ўса) олган сурат.

атчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳамда бўлажак аскарларнинг ота-оналари қатнашди. Тадбирда миллий армиямизни янада такомиллаштириш борасида амал-

га оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди. Қурулди Қўчқоримиз сафларини юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш-

га қодир мард ўғлонлар билан таъминлаш бўйича қилинаётган сайёҳаракатлар эътироф этилди.



Парламент ҳаёти

Таълимда сифат кўрсаткичи 22 фоизга тушиб кетган. Нега?

Ушбу савол Халқ таълими вазирлигида "Ўқувчи ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда халқ таълими тизими олдига турган долзарб вазифалар" мавзусида ўтказилган анжуманда ўртага ташланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан ҳамкорликда уюштирилган тadbир мазкур масалани чуқур таҳлил қилиш имконини берди. Таълим тизимини амалга оширишда илчил ислохотлар жараёнида соҳадаги муаммолар босқичма-босқич бартараф этилмоқда. Бирок

қўвчилар билимининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таҳлил қилиш мақсадида республика бўйича танлов асосида 1035 та мактаб фаолияти ўрганилди. Афсуски, мониторинг натижалари билан мақтаниб бўлмайди. Унга асосан, ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириши 67 фоизни, сифат кўрсаткичи эса 22 фоизни ташкил этган.



БИЗ ва ЖАҲОН

Ҳиндистонда Ўзбекистон стенди

Яқинда Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида "The Times Travel Show Expo" йирик сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг етакчи туризм компаниялари, сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи турли саноат ташкилотлари, авиакомпаниялар ва хорижий давлатлар делегациялари қатнашди.

Кўргазмада Ўзбекистоннинг миллий стенди ҳам ўрин олди. Республикаимизнинг тарихи ва маданияти, туризм салоҳиятини акс эттирувчи ушбу стенда инглиз тилида тайёрланган турли маълумотлар, шу жумла-



дан, видеоматериаллар жойлаштирилди. Кўргазма доирасида Наманган вилояти туризм салоҳиятига бағишланган алоҳида бурч ҳам ташкил этилди. Унда ҳудуднинг зиярат туризми, экотуризм, оилавий туризм ва бошқа йўналишлардаги мавжуд имкониятлари намойиш қилинди.

Икки кун давом этган ушбу тadbирга 10 мингдан зиёд кишилар ташриф буюр-

ди. Меҳмонларга юртимизда сайёҳларга яратилаётган имкониятлар ҳақида маълумотлар берилди. Хусусан, Ҳиндистонлик сайёҳлар "e-visa" тизими ва бу йўналишда киритилган қўлайликлар, Мумбай ҳамда Тошкент шаҳарлари ўртасида йўлга қўйилган авиақатновлар тўғрисида хабардор қилинди.

«Дунё» АА. Мумбай

Бизнесда юқори натижаларга эришишнинг сирини мадада?

Халқаро пресс-клубда "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари: устувор вазифалар ва муаммолар таҳлили" мавзусида навбатдаги сессия бўлиб ўтди.



Ушбу мавзу бежиз танланмаган. Бинобарин, жорий йилнинг 5 февралда Президентимизнинг "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиндики, унинг ижроси юртимизнинг халқаро микёсдаги нуфузини янада юксалтириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилади. — Дарҳақиқат, давлатимиз

раҳбарининг мазкур қарори асосида бизнес соҳасида мамлакатимиз позициясини яхшилаш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилди, — дейди Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари Нўъмон Мухаммадиев. — Ҳаммамизга маълумки, "Бизнес юритиш" рейтингини жами ўнта индикатор бўйича баҳоланади. Шулардан энг биринчиси бизнеснинг рўйхатдан ўтказишдир. Чунки тadbиркорлик қилиш истагидаги фуқаролик қадамини айна рўйхатдан ўттиришдан бошлашди. Шу ўринда яқин ўтмишга



Урбанизация:

БУ ЖАРАЁН ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

Сўнгги йилларда республикамиз шаҳарсозлиги ва меъморчилигида улкан креатив ўзгаришлар пойтахтимиздаги "Business city", Тошкент вилояти маркази Нурафшондаги "Smart city", вилоятларда амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида намойён бўлмоқда.

Фармон ва ижро

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон Харакатлар стратегияси бошлаб берган жамиятимиз ривожланишини жадаллаштирадиган локомотив ҳисобланади. Унда сўнгги йилларда республикамизда урбанизация даражасининг пасайиши тенденцияси кузатилаётгани, шаҳар аҳоли пунктлари сонини атиги 1065 дан 1071 гача кўпайганлиги кўрсатиб ўтилган. Аслида республикамизда шаҳар аҳолиси салмоғи қишлоқ аҳолиси салмоғига нисбатан ошиб кетганига анча бўлди.

ижтимоий хизмат кўрсатиш тармоқлари издан чиқиб, меҳнат ресурслари кескин камайиб кетган эди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бундай ижтимоий таълиқнинг олдини олишга қаратилди. Бироқ бу иш ўз-ўзидан амалга ошмайди. Чунки республикада 2016 йилгача 12 мингга яқин турли хилдаги қишлоқ аҳоли пунктлари ва 119 та шаҳар мавжуд эди. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси ва бачча вилоятларда намунавий лойиҳалар асосида минглаб қишлоқ уйлари алоҳида қавартал ва массив тарзида бунёд этилди. Қишлоқ аҳоли пунктларини гуруҳлаштириб қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларини ўзига бирлаштирадиган бош режаларини лойиҳалаш усули ҳам керакли самара бермади. Буни тартибга солиш учун кейинчалик барча қишлоқлар маҳаллалар уюشمасига айлантирилди. Бу ишлар янгича урбанизация жараёнини шакллантириш лозимлигини кўрсатади. Чунки энди овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари йўқ, уларнинг барчаси маҳалла фуқаролар йиғинларига айлантирилди ва яхлит бир шаҳар тизимидаги маҳаллалар уюشمасига бирлашди. Бироқ ўзида маҳаллаларни бирлаштирувчи аҳоли пунктларининг барчаси ҳам шаҳар

мақомига эга эмас. Масалан, Хоразм вилоятида ҳаммаси бўлиб учта аҳоли пункти шаҳар мақомига эга. Маҳаллаларни ўзида уюштирган қолган туман марказлари шаҳар ҳисобланмайди. Демак, яқинда қабул қилинган урбанизация тўғрисидаги Фармон асосида Ўзбекистон аҳоли пунктларининг шаҳар тизимидаги фармон асосида Ўзбекистон аҳоли пунктларининг шаҳар тизимидаги фармон асосида Ўзбекистон аҳоли пунктларининг шаҳар тизимидаги фармон асосида...



роқдир, бироқ шаҳар ҳисобланмайди ва маҳалла фуқаролар йиғини саналади. Республикада аҳолиси 1 миллиондан кўп мамлакат пойтахти бўлган бир пайтда "энг йирик шаҳар" категориясини киритиш шартмикан? Россия Федерацияси мисолида бу нарса тушунарли, чунки у ерда миллионер шаҳарлар талайгина. Бизда эса пойтахт шаҳаримизни умумий шаҳарлар категориясига киритмасдан унга алоҳида мақом берилса тўғри бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундан 4-5 йил олдин "барқарор шаҳарсозлик", "ақли шаҳар", "бизнес сити" деган иборалар, ҳатто мутахассисларга ҳам тушунарли эмас эди. Бугунги кунда бу сўзлар нафақат лугатимизга фаол кириб келди, балки маълум маънода ҳаётимиз мазмунига айланди. Энди эскича услублар ва қолоқ технологияни унутиб, жаҳон тенденцияларига тезроқ интеграллашувимиз лозим.

Янги ташкил этилган Урбанизация агентлиги "жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда шаҳар аҳолисини жойлаштириш тизимини комплекс ривожлантириш тартибга солиш, кичик, ўрта, катта ва йирик шаҳарларнинг самарали нисбатини шакллантириш"дан ташқари, шаҳарларнинг демографик сиймаларини ҳам оптималлаштиради. Ягона барқарор шаҳар (шу жумладан, кичик, ўрта, катта, йирик),

посёлка, даҳа, маҳалла тушунчаларини ишлаб чиқиб, уларнинг юридик мақомларини белгилаш керак. Республикада аҳоли жойлашувида пойтахт, минтақа ва вилоятлар марказлари, эркин иқтисодий ва саноат зоналари, шаҳар ва посёлка тизими, шаҳарлар агломерацияси, йўлдош шаҳар ва йўлдош посёлкалар, даҳа, маҳалла тизимини ҳисобга оладиган механизмларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шаҳарсозлигимизни ривожлантириш истиқболлари илгор хорижий таърибга, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ва урбанизацияни жадаллаштиришга қаратилган маъруза Фармондан келиб чиқади. Бунинг учун шу кунгача мавжуд бўлган, фақатгина лойиҳачини қаноатлантирадиган бош режаларни лойиҳалаш усули кескин модернизация қилиниши керак. Мавжуд амалиёт индустриаллаштириш аъёналаридан келиб чиқиб, шаҳарларни лойиҳалашнинг бош омилли сифатида саноат ишлаб чиқаришини ҳисоблашга асосланган. Бугунги кунда жаҳонда илгор инвестициялар, илм-фан, тадбиркорлик, туризмни ривожлантириш асосий омиллар ҳисобланади. Фармонда кўрсатилганидек, биз ҳам мамлакатимизни илгорлар сафига олиб чиқиб, халқаро жараёнларга тезкор интеграллашувимиз тақозо этилади.

Муҳаммадхон АХМЕДОВ,
меъморчилик фанлари доктори,
профессор.

ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИШ БЕЛГИЛАНМОҚДА



Қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида АҚШ, Франция, Германия, Италия, Англия, Испания, Россия, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Польша, Беларусь, Қозғоғистон каби бир қатор хорижий давлатларнинг туризм соҳасидаги қонунчилиги таҳлил қилинганлиги таъкидлаш керак бўлди.

Айни пайтда қонун лойиҳасини иккинчи ўқшга тайёрлаш жараёнида жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмақда. Бу борада фракция томонидан ҳудудий партия ташкилотлари ва партия гуруҳларида бир қатор учрашувлар ўткази-

либ, таклифлар олинди. Очик мулоқотда депутатлар ва партия фаоллари қонун лойиҳасига ўз таклифларини билдирди. Таъкидлаб ўтилганидек, маъруза ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, соҳа тараққиётини таъминлаш ва унинг инфратузилмаларини жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Яқунда фракция масъул қўмитага ушбу қонун лойиҳасини яқин кўнларда янги таҳрирдаги "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тарихидаги қуйи палата мажлисига киритишни таклиф этди.

Зиёда АШУРОВА.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди



Агар шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин яна бу ишга қўл урса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан беш эътибор берилганлиги таъкидланди.

қўшимчалар киритилди. Ўзбошимчилик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотиш, ҳада этиш, ижарага бериш, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдор бўлган бўлганда, унинг иморат қуриш сифатида эғалик қилаётган, доимий эғалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини суд томонидан эътироз билдириши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироз билдириш билан тўлдирилди.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдор бўлган бўлганда, унинг иморат қуриш сифатида эғалик қилаётган, доимий эғалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини суд томонидан эътироз билдириши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироз билдириш билан тўлдирилди.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилди. Яъни ер участкаларини ўзбошимчилик билан эғаллаб олиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилди. Яъни ер участкаларини ўзбошимчилик билан эғаллаб олиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткага маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилишига оид маъруза ҳужжат билан Фуқаролик кодексига ҳам ўзгариш ва

Тожибар Юлдашева,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

Ватанга садоқат ифодаси



Чиндан ҳам, мамлакатимизда армия ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган мулкдош янги тузилма — ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудда самарали фаолият юритаётгани гоят муҳим аҳамиятга эга бўлмақда. Ана шундай ислохотлар туфайли "Армия ва халқ — бир тану бир жон" деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари,

таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмақда.

Бу эса давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазиғамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради.

Маросимда муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларга эсдалик совғалар топширилди.

О. ФАЙЗИЕВ,
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурия билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқотда Жаҳон божхона ташкилоти ва Ўзбекистоннинг кўп йиллик ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Харакатлар стратегияси доирасида божхона тартиботларини соддалаштириш ва бизнес юриштиш учун қулай шарт-шароит яратиш борасида изчил чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 2018 йилда божхона органларини ислоҳ этиш, тадбиркорлик ва туризмни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида божхона фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган

46 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Учрашувда қайд этилганидек, Жаҳон божхона ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон божхона хизматига товарларни таснифлаш, халқаро савдо тартиботларини соддалаштириш, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қалбаки маҳсулотлар олиб кирилиши ва коррупцияга қарши курашишда амалий кўмак кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон 2017 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тиклади. Шу билан бирга, мамлакатимиз божхона органлари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги таъкидланди. Хусусан, 2025 йилга бориб Жаҳон банкнинг "Doing business" рейтингига, 2022 йилгача эса

Халқаро молиявий корпорация рейтингига энг илгор йигирма мамлакат қаторига кириш марралари кўйилган.

Ушбу мақсадларга эришишда божхона органлари муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, Жаҳон божхона ташкилотининг Ўзбекистон божхона хизмати имиджи ва салоҳиятини ошириш борасидаги фаол кўмаги юқори баҳоланди.

К. Микурия Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга қаратилган ислохотларини, бу борадаги оқиқ ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишида Жаҳон божхона ташкилоти ҳам ўз хиссасини қўшишини маълум қилди.

Малоҳат ҲУСАНОВА,
Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

Таълимда сифат кўрсаткичи 22 фоизга тушиб кетган. Нега?



Депутатлар бундай ҳолатлар таълим сифатида салбий таъсирини кўрсатмай қолсини аўқонига қўйиш, уларда тадбиркорлар иштирокини таъминлаш, кадраст ҳамда солиқ соҳасида яратилаётган қулайликлар ҳусусида ҳам маълумотлар берилди. Бундай янгилик ва энгилликлар юртимиз бизнес соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

ри билан таъминлаш ўта муҳим экани қайд этилди. Бу каби муаммоларни ечиш, тайёрланаётган кадрларнинг сифатида эътиборни кучайтириш, умумтаълим муассасалари раҳбарларини танлаб, жой-жойига қўйиш, таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Қолаверса, ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаш, тизимга инновацион ишлан-

малар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Анжуманда умумтаълим мактаблари фаолиятида ечимини кечиктириб бўлмайдиган муаммолар мавжудлиги, вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари томонидан давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қабул қилинган



Фармон ва қарорларида белгилашга зарур бўлган вазифалар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётгани таъкид қилинди.

Яқунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Р. ОТАМУРДОВ.

Маҳаллий Кенгашларда

Депутатлар туман ҳокими ўринбосарига эътироз билдиришди

Туман ободонлаштириш бўлими раҳбари Бахтиёр Убайдуллаевнинг чиқиши халқ депутатлари Пискент тумани Кенгаш сессияси ишида туб бурилиш ясади, дейиш мумкин. Республика ишчи гуруҳи томонидан тумани ўрганиш яқунлари муҳокама этилаётган йиғилишда ҳудудларни ободонлаштириш ишларининг қониқарсиз аҳоли танқид қилинди.

Ушбу тармоққа масъул раҳбар вазиятга ойдинлик киритиш, мавжуд муаммолар ҳал этилишида бўлим фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар борлиги ҳақида гап бошлаганида, туман ҳокимининг ўринбосари Суннат Исоқулов унинг гапини бўлиб, жойига ўтиришини сўради. Бу эса депутатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Уларнинг кистови билан бўлим бошлиғи яна ўрнидан туриб, ўз фикрларини давом эттирди. Азалий анъаналаримизга содиқ бўлиш, аҳоли ўртасида ҳовли-жойларни, томорқаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаш-

тириш ишлари юзасидан тарғибот-вазиратга ойдинлик киритиш, мавжуд муаммолар ҳал этилишида бўлим фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар борлиги ҳақида гап бошлаганида, туман ҳокимининг ўринбосари Суннат Исоқулов унинг гапини бўлиб, жойига ўтиришини сўради. Бу эса депутатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Уларнинг кистови билан бўлим бошлиғи яна ўрнидан туриб, ўз фикрларини давом эттирди. Азалий анъаналаримизга содиқ бўлиш, аҳоли ўртасида ҳовли-жойларни, томорқаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаш-

тириш ишлари юзасидан тарғибот-вазиратга ойдинлик киритиш, мавжуд муаммолар ҳал этилишида бўлим фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар борлиги ҳақида гап бошлаганида, туман ҳокимининг ўринбосари Суннат Исоқулов унинг гапини бўлиб, жойига ўтиришини сўради. Бу эса депутатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Уларнинг кистови билан бўлим бошлиғи яна ўрнидан туриб, ўз фикрларини давом эттирди. Азалий анъаналаримизга содиқ бўлиш, аҳоли ўртасида ҳовли-жойларни, томорқаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаш-

ларда йўлларни таъмирлаш, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда газ таъминоти билан боғлиқ масалалар устулик қилади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, банк, кредит, бандик, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш соҳаларида ҳам муаммолар талайгина экани кузатилди.

"Обод қишлоқ" дастурига мувофиқ, 14 километрдан ортиқ масофадаги кўчага асфальт ётқизиши режалаштирилган эди. Амалда эса бу кўрсаткич 8 километрдан зиёдини ташкил этди, холос. Пйедалар йўлакларини таъмирлаш, кўча чиқроқлари ўрнига, ўрнинг, гулзорлар барпо этиш каби ишлар охирига етказилмай қолди.

Туман аҳолисининг 17 фоизи муқобил сув манбаларидан фойдаланмоқда. Ваҳоликни, 2013 йилда Пискент шаҳри ичимлик суви тизимини реконструкция қилиш, сув таъминотини яхшилаш бўйича ма-

сус қарор қабул қилинган эди. Бу қарор тўлиқ бажарилмай қолиб кетди. Туман "Сувоқова" филиали тасарруфидидаги 45 та, сув қудуқларидаги 28 та насос эскирган бўлиб, улар ёрдамда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш имконияти мавжуд эмас. 37 та сув иншоотида эса ичимлик сувини зарарсизлантириш усуналари ишламайди. Сув таркибинини тозалаш ишлари қўлбола усулда амалга оширилмоқда. Натияжада туманда юқумли касалликларнинг кўпайиши кузатиляпти.

Туманининг Октом, Тараққиб, Муस्ताқиллик, Қўлота, Саидобод маҳаллалари шариоити энг оғир ҳудудлар, деб эътироз этилди. Мазкур маҳаллалар туман марказидан 25 — 30 километр узоқликда, чегара ҳудудида жойлашган. Масалан, Тараққиб маҳалласида кундалик эҳтиёж учун арқ сувидан фойдаланиб келинмоқда. Айрим кўчаларга трансформатор

ўрнатилмаган. Электр симёгочлари авария ҳолатида. Ҳудудда мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти йўқ. Бу каби камчиликлар юқорида номлари қайд этилган маҳаллалар учун ҳам ҳосидир.

Сессияда депутатлар бу ва бошқа муаммоларни ҳал этиш бораборида, баҳор кунларидан унутмай фойдаланиш, ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада кучайтириш, томоққа имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор амалий тадбирларни белгилаб олишди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирокида ўтган сессия депутатларнинг фаоллиги билан ажралиб турди. Махласида қўриб чиқилган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорликдаги "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Саудиялик ишбилармон юртимизда фармацевтика корхонаси қуришни режалаштиряпти



Ўзбекистонга ташрифи доирасида меҳмонлар вилоятдаги бир қатор завод ҳамда фабрикалар фаолияти билан танишиб, Урганч ва Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидаларини зиёрат қилдилар.

— Буюк алломалар ал-Хоразмий, ал-Беруний, аз-Замашарий йшаган манзилларни ўз кўзимиз билан кўриш ҳар биримиз учун улкан орзу эди, — дейди Мазен ал-Башир.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Юз билан юзлашаётганлар

Манзура ая соғинган баҳор



— Эрталаб ташқарига назар ташлаб, ўрик дарахтининг шоҳларидаги гуллари қизариб бўртаётганига кўзим тушди. — Халқаро хотин-қизлар байрами олдидан йўқлаб борганимизда, Манзура ая бизни очик чехра билан қарши олди. — Худого шукр, яна бир баҳорни кўриш насиб этди. Раҳматли турмуш ўртоғим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом ҳаёт бўлганларида бу йил роппароса юз ёшга тўлардилар. Рухлари шод бўлсин, у кишининг ордидан қолганлар шундай дориламон кунларни кўрди. Э-ҳе, қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтмади?! Қанчадан-қанча кўкламни раҳматли билан биргаликда интиқ кутмадик, теварак-атроф гулларга бурканганда шодон-шодон яйрамадик. Хар гал баҳор келиши би-

лан бу ҳол янгилавереди-я! Ёшим юз билан юзлашаётган оstonага етганида, у киши ёнимда бўлмасаларда, фарзандлариму неварачевараларим билан яна кувониб-суғуниб ўтирибманда! Кувонмай бўладими ахир?! Тўрт мучам соғ бўлса, кўл-оёғим ҳаракатда, кўзларим кўриб турган бўлса — бизнинг ёшимизда бундан ортиқ бахт-саодатнинг ўзи борми?!

— Узоқ умр кўриш ҳам худонинг бир инояти, — дея давом этади ая. — Юрт тинчлиги, яқинларинг, қавму қариндошлар ҳамжиҳатлиги, фарзандлар қобиллиги кўнгилни хотиржам қилади, хотиржамлик эса узоқ умр гарови. Фарзандларим, невараларим юртимиздаги ўзгаришлар, қурилишлар, ободончилик ишлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришганида фахрланиб кетаман. Раҳматли Ҳамид акамнинг “Кўнгил ёшлигини хар дам кўмсайди, Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!” деган сатрларини эслайман.

Мана, мени яна бир соғинган баҳоримизга етказди. Кўнглим сезиб турибди, бу йил янаям шукҳли келади. Қани, кўлларингни дуога очинглар, шу кунларга етказганига шукр, оналар бешик тепасида алла айтишдан толмасин, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Б. ШОЙИМОВ ёзиб олди.

Телевизордан янгиликларни кўриб, ҳаёт бўлганларида ўз асарларида бу кунларни баланд рух билан куйлаган бўлардилар, деб армон қиламан. Куйламай бўладими? Оролбўйида, Жиззахда, Наманганда... э-ҳе, бутун Ўзбекистонда қанақа ўзгаришлар, қанақа қурилишлар, қанчадан-қанча ободончиликлар, кексаларга эътибор, ёшларга имконият яратишлар... Бу ишларга бош-қош бўлаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг элу юрт дарду ташвиши билан тиниб-тинчимаслигининг ўзи-чи?! Қанчадан-қанча китоблар ёзса ҳам кам бу ҳақда. Ҳамид Фулом ҳаётдаги катта ўзгаришлар ёзувчига материал беради, дея тақорлашни хуш кўрардилар. Қанийди, шу кунларни ҳам кўриб, яна бир асар ёзсалар эди. Шукр, у кишининг ҳаётини фарзандлари, неварачеваралари, ишларини издошлари, шогирдлари давом эттиришаётганидан қалбим таскин-тасалли топади.

ОАМААИҚ КОН-МЕТАААУРГУЯ КОМБИНАТИНИНГ КҮН МИАЛАМАИ ЖАМОАСИ

дилбар аёлларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлайди!

Фаслар келинчаги — баҳорнинг илк онларида нишонланадиган чибў кўнлик айём оилангизга тўқин-сочинлик, кўт-барока ва осойишталик бахш этишини тилаб қоламиз!

ASAKA BANK

8 март

Мунис аёлларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этамиз!

«Асака» банки жамоаси.

Хизматлар лицензияланган.

Азиз аёллар!

Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки жамоаси

Сизларни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайди!

HAMKOR BANK

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 924 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган кўлаэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Гезетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмиёлаштирган ташклот жаобгар.
Гезета тахриратта марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.35 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6